

бериш билан шуғуланучи аҳоли мавжуд. Ўрганишлар жараёнида гувоҳи бўлдики, зиёратгоҳга бир кунда ўрта ҳисобда 1500-2000 гача яқин зиёратчи ташриф буюради.



Расм. Зиёратгоҳнинг маҳаллий аҳоли иқтисодий шароитига ва фаолиятига таъсири

Расм Ўзбекистон ҳудудларида муаллифлар томонидан олиб борилган кузатувлар асосида ишлаб чиқилди.

Сурхондарё вилоятида жойлашган Ал-Ҳаким Ат-Термизий зиёратгоҳида 30 га яқин ишчи ҳодимлар фаолият юритади. Зиёратгоҳ атрофида 20 ортик турли зиёрат буюмлари, эсталиклар ҳамда хунарандлар томонидан ясалган буюмлар билан савдо қилувчи

дўконлар мавжуд. Дўконларнинг ҳар бирида ўртача икки киши бандлигини кўришимиз мумкин. Зиёратгоҳ ҳудудини ободонлаштириш учун мингдан ортик турли манзарали ҳамда мевали бута ва дарахтлар парваришланиб келинмоқда. Зиёратгоҳ яқинида вақф тасаррувига қарашли меҳмонхона мавжуд. Аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида Термиз шаҳридан кунлик катновчи транспорт воситаси йўлга қўйилган.

Расм маълумотларида зиёратгоҳларнинг маҳаллий аҳолининг иқтисодий шароитига ва фаолиятига таъсири бир неча зиёратгоҳларда сўровномалар ва ўрганишлар асосида шакллантирди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кичик ҳудудларда иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадлари, умуман олганда ижтимоий географик масалалар ҳудуднинг туризм сектори ўсиши билан яхшиланиши мумкин.

Хулоса. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик ҳудудларда туризмни ривожлантириш имкониятлари катта. Бундай имкониятлардан самарали фойдаланиш истикболда минтақавий туризмни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Айнан шу мақсадда ҳудудда туризмни комплекс ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилиши зарур. Минтақанинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда туризм индустриясини ривожлантириш лозим.

Республикадаги қатор зиёратгоҳларида олиб борилган кузатувлар ҳамда социологик ўрганишлар асосида диний ва зиёрат туризмнинг кичик ҳудудлар (зиёратгоҳлар жойлашган аҳоли пунктлари, маҳаллалар) иқтисодийётидаги ўрни ва аҳамияти баҳоланишга ҳаракат қилинди. Ҳусусан, диний ва зиёрат туризмнинг аҳоли бандлигига таъсир этишининг занжирсимон схемаси ишлаб чиқилди. Ушбу занжирсимон модел асосида зиёратгоҳлар жойлашган аҳоли пунктларида кичик ва оилавий тадбиркорликнинг ривожлантириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Адабиётлар

1. The World Tourism Organization (UNWTO) //www.e-unwto.org/doi/epdf/10.18111/9789284413805.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони.
3. Қурбонов Ш.Б. Кичик ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий географияси. –Тошкент: «Мумтоз сўз», 2013. 158-б.
4. Қурбонов Ш.Б. Ўзбекистон қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий географияси: монография. –Т.: «Mumtoz so'z», 2019.
5. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси веб сайти).
6. <https://uzbektourism.uz/> (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги расмий веб-сайти).

РЕЗЮМЕ. Мақолада республикадаги қатор зиёратгоҳларида олиб борилган кузатувлар ҳамда социологик ўрганишлар асосида диний ва зиёрат туризмнинг кичик ҳудудлар (зиёратгоҳлар жойлашган аҳоли пунктлари, маҳаллалар) иқтисодийётидаги ўрни ва аҳамияти баҳоланишга ҳаракат қилинган. Ҳусусан, диний ва зиёрат туризмнинг аҳоли бандлигига таъсир этишининг занжирсимон схемаси ишлаб чиқилган ҳамда у занжирсимон модел асосида зиёратгоҳлар жойлашган аҳоли пунктларида кичик ва оилавий тадбиркорликнинг ривожлантириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

РЕЗЮМЕ. В статье сделана попытка оценить роль и значение религиозно-паломнического туризма в экономике малых территорий (городов, в которых расположены святыни) на основе наблюдений и социологических исследований в ряде святынь республики. В частности, разработана цепная схема влияния религиозно-паломнического туризма на занятость населения, выдвинуты предложения по развитию малого и семейного предпринимательства в населенных пунктах, где расположены места паломничества, на основе цепной модели.

SUMMARY. The article tried to evaluate the role and importance of religious and pilgrimage tourism in the economy of small areas (towns where shrines are located) based on observations and sociological studies in a number of shrines in the republic. In particular, a chain scheme of the influence of religious and pilgrimage tourism on population employment has been developed, and proposals for the development of small and family entrepreneurship in settlements where places of pilgrimage are located based on the chain model have been put forward.

ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ЗОНАСИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ ЙўНАЛИШЛАРИ

Ж.Ж.Туроб – география фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Ш.Б.Қурбонов – география фанлари бўйича фалсафа доктори

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: тоғ рельефи, тоғ ландшафти (табиати), тоғ одамлари (аҳоли), тоғ маъмурий туманлари, тоғ ҳўжалиги, тоғ ижтимоий-иқтисодий бандлик зоналиги (хўжалик), барқарор ривожланиш, салоҳият, иқтисодийёт.

Ключевые слова: горный рельеф, горный ландшафт (природа), горцы (населения), горные административные районы, горное хозяйство, горное социально-экономическое высотное районирование (экономика), устойчивое развитие, потенциал, экономика.

Key words: mountain relief, mountain landscape (nature), highlanders (population), mountainous administrative regions, mining, mountain socio-economic high-altitude zoning (economics), sustainable development, potential, economics.

Қириш. Ўзбекистоннинг улуғвор тоғлари иқтисодий ва миллий маданий бойлиги, бебаҳо мамлакатнинг улкан табиий-экологик, ижтимоий-капитали ва катта “кўчмас” мулкидир. Тоғларнинг

табиат ресурслари жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим асосларидан биридир. Тоғлар сув, энергия, биологик ва ландшафт хилма-хиллиги, минераллар, кишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотлари, рекреация ресурслари ва шу қабиларнинг муҳим манбаидир. Шу билан бир қаторда тоғ ҳудудлари рельефининг кучли парчаланганлиги, табиат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг баландлик зоналлигига боғлиқ ҳолда мураккаб, мўрт ва нозик, заиф экотизим ва ландшафтлардан таркиб топган бўлиб, улар ҳар қандай ташқи таъсирга (масалан, фойдали қазилмаларни казиб олиш), транспорт инфратузилмасини (йўл, газ ва нефть қувурлари, электр узатиш тизимлари) қуришга сезувчан ва чидамсиздир. Тоғ экотизимлари тез ўзгарувчан бўлиб, улар кўп ҳолларда тезлаштирилган тупроқ эрозияси, ўпирилиш ва кўчкилар, яшаш муҳити ва генетик хилма-хиллиқнинг камайиши ва йўқотилишига дучор бўлган. Ижтимоий жиҳатдан тоғ аҳолиси учун камбағалликнинг юқори даражаси ва асрлар мобайнида шаклланган ва тоғларга мослашган анъанавий малакаларнинг йўқолиб бориши ҳосидир. Нотўғри хўжалик юритиш натижасида кўпчилик тоғ туманларида тоғ табиати муҳитининг емирилиши содир бўлган ва бу жараён давом этмоқда.

Асосий қисм. Бозор иқтисодиёти шароитида тоғ ҳудудлари ривожланишининг назарий-методик жиҳатлари хорижий олимлар Дж.Д.Айвз, Э.Брюгер, П.Бейри, Н.С.Йоджа, Б.Мессерли, Р.А.Роадс ва бошқаларнинг тадқиқотларида ишлаб чиқилган. МДХ тоғ районлари ривожланишининг турли жиҳатларини ишлаб чиқишга Г.Е.Авакян, А.А.Айдаралиев, К.Атишев, Ю.П.Баденков, А.Б.Бажев, П.Я.Бақланов, Г.М. Лаппо, Х.М.Мухаббатов, М.Н.Нурназаров, С.Е.Оганян, К.Отарбоев, П.Н.Полян, Б.Б.Родомон, К.В.Чистяков ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Иқтисодий география соҳасида амалга оширилган тадқиқотлардан мисол сифатида келтирилаётган қуйидаги иккитаси бу йўналишнинг катта имкониятларга эга эканлигини исботлайди:

1) 2008 йилда иқтисодчи-географ олим Пол Кругман (АҚШ) иқтисодиёт географиясининг янги принципларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этгани учун Нобель мукофотиغا сазовор бўлган; 2) 1900-йилларда иқтисодчи-географлар Дж.Д.Айвз (Канада) ва Б.Мессерли (Швейцария) глобал микёсда этироф этилган ва БМТ томонидан қўллаб-қувватланган ҳамда ҳозир амалиётда кенг қўлланилаётган Тоғ ҳудудлари барқарор ривожланиши назарияси ва моделини ишлаб чиққанлар.

Ўзбекистон тоғларини ўрганишда З.М.Акрамовнинг ишлари алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг тадқиқотлари мамлакатимиз тоғларини иқтисодий-географик ўрганишга асос бўлиб хизмат қилган.

Глобал микёсда биринчи марта тоғ минтакаларининг барқарор ривожланиши муаммолари БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш масалаларига бағишланган Умумжаҳон Конференциясида (Рио-де-Жанейро, 1992) муҳокама қилинди. Ушбу конференцияда биринчи марта глобал муаммолар мавзулари қаторига тоғ муаммолари ҳам киритилди. Унга “Заиф экотизимлардан оқилона фойдаланиш: тоғ районларининг барқарор ривожланиши” деб номланган 13-тоғ боби бағишланди. Мазкур бобда тоғ районларининг табиати, этномаданияти ва ижтимоий-иқтисодий ўзига хос хусусияти, уларнинг ташқи таъсирга (турли микёс ва турдаги) ўта чидамсизлиги ва заифлиги қайд қилинди. Конференция ҳужжатларида дунёнинг барча мамлакатларига ўзларининг тоғ ҳудудлари ривожланишининг миллий ва минтақавий стратегияси ва дастурларини шакллантириш тавсия этилди.

Ўтган даврда дунёнинг кўп мамлакатлари мазкур тавсияларни амалга ошириб, тоғ районларининг барқарор ривожланиши бўйича катта муваффақиятга эришдилар. Бироқ, ҳозирги кунгача Ўзбекистон дунёнинг тоғли мамлакати бўлишига қарамай, мазкур тавсиялар амалга оширилмади ва уларга катта эътибор қаратилмади [3].

Янги Ўзбекистонни барпо этишда табиати, аҳолиси, хўжалиги, инфратузилмасининг ўзига хослиги билан бир-биридан тубдан фарқ қиладиган, ўзаро боғлиқ мамлакатнинг ягона табиати-ижтимоий иқтисодий маконини ташкил этадиган учлик: 1) чўл; 2) суғориладиган текислик; 3) тоғолди – тоғ макроминтакаларининг салоҳияти, имконияти, афзалликларидан алоҳида ва ўзаро боғлиқликда самарали фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Уларнинг ҳар бири миллий иқтисодиёт комплексида ўзига хос ихтисослашган ўринни эгаллайди ва тегишли вазифани бажаради [6].

Тоғлар мамлакатимиз умумий ҳудудининг 21,4 % эгаллайди. Ўзбекистон тоғлари майдони катталиги бўйича Швейцария, Арманистон, Македония каби тоғли мамлакатларнинг биргаликдаги ҳудудига тенг. Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси денгиз сатҳидан 4643 метргача кўтарилган бўлиб, бу борада Европанинг энг баланд чўққиси Монбланда (4807 м, Альп тоғлари) атиги 164 метрга пастроқ, лекин мазкур қитъанинг бошқа чўққиларидан анча баланд туради. Масалан, Муласен (3478 м, Андалус тоғлари), Ането (3404 м, Пиреней тоғлари), Мусала (2925 м, Болқон яримороти тоғлари), Корно (2914 м, Апенин тоғлари), Гальхёпигген (2470 м, Скандинавия тоғлари), Шунингдек, Осиёнинг Хезар (4419 м, Эрон ясси тоғлари), Фудзиямадан (3776 м, Япон ороллари) ҳам баланд туради. Ўзбекистондаги Ғарбий Тяньшан тоғлари трансгегаравий объект сифатида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий ва табиий мероси рўйхатида киритилган. Яқин келажакда Сармишсойда тошга туширилган қадимий расмлар, Шоҳимардон, Зомин, Ҳисор тоғлари ва баъзи қўриқхоналарни ушбу рўйхатга киритиш мўлжалланмоқда. Уғом-Чотқол миллий боғи, Зомин халқ боғи, Китоб геология ва палентология миллий боғи ҳам ушбу рўйхатга киритишга лойиқ объектлардир. Юқоридагилар билан бирга, Ўзбекистон ўзининг тоғларида жойлашган олтин, мис, қўроғшин, вольфрам, висмут, уран, каолин, боксит, фосфорит, дала шпати, кварц қумлари, бетонит глиналари ва бошқа фойдали қазилмалари туфайли дунёда ва Евроосиёда бу борада биринчи ўнлик мамлакатлари қаторига қиради. Мурунгов дунёда олтин казиб олиш ҳажми бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда кўмир саноати, гидроэнергетика, тоғ-кон-металлургия (рангли металлургия) саноати тўлиқ тоғ зонасида жойлашган [2;8].

Ўзбекистон ҳудудида экстремал, инсон яшаши ва фаолияти учун ноқулай қўроқчил чўл зонаси хукмронлиги (мамлакат ҳудудининг 70 %, аҳолисининг атиги 1-2 %) ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда минг йиллар давомида чўллардан (2/3 қисми) ва тоғ этакларидан (3/5 қисми) тоғ дарёлари сувларидан фойдаланиш асосида ўзлаштирилган, аҳоли зич яшайдиган, гуллаб яшнаган воҳа ва водийлардан таркиб топган, юқори даражада ўзлаштирилган, аҳоли пунктлари, хўжалик, инфратузилма объектлари билан етарли даражада тўлдирилган, айна бир вақтда кўп даражада экологик ноқулай ва кучли бузилган суғориладиган (антропоген) текислик зонасининг мамлакат иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллаши (мамлакат ҳудудининг атиги 10 %, лекин аҳолиси ва ялпи ички маҳсулотининг 90 %) шароитида ҳам ўзлаштирилган, етарли ривожланган тоғ зонаси объектив равишда стратегик аҳамиятга эга бўлмоқда:

Тоғ зонаси Ўзбекистоннинг асосий экологик-иктисодий макроминтақаси ва табиат (экологик) инфратузилмаси, улкан миллий бойлиги бўлиб, ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз барқарор ривожланиши учун хал қилувчи аҳамиятга эга (суғориладиган текислик водий ва воҳалари тоғ дарёлари сувларисиз мавжуд бўла олмайди). Энг муҳими, тоғлар яққол ифодаланган муҳит шакллантирувчи ва муҳит назорати функциясига эга бўлиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудида экологик мувозанатни қўллаб-қувватлаш ва экологик-иктисодий вазиятни барқарорлаштириш кўп даражада айнан тоғ зонасидаги ҳолатга боғлиқ бўлади [6].

Ўзбекистоннинг улуғвор тоғлари мамлакатнинг улкан миллий бойлиги, бебаҳо капитали ва катта “кўчмас” мулкидир. Тоғларимизнинг умумий майдони 96 минг км² бўлиб, уларнинг майдони катталиги бўйича Швейцария, Арманистон, Македония каби тоғ мамлакатларининг биргаликдаги ҳудудига тенг. Тоғ зонаси Ўзбекистонда қуйидаги улушга эга (жамига нисбатан %): ҳудуди 21,4 % аҳолиси – 12,7% саноат маҳсулоти – 15,0-16,0 % қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 12-13,0 % рекреация ва ландшафт хилма-хиллиги ресурсларининг катта қисми [8].

Мамлакат фойдали қазилмаларининг кўп қисми, кўмир, гидроэнергетика, тоғ-кон, рангли металлургия саноатлари эса тўлиқ тоғ зонасида жойлашган. ЮНЕСКОнинг халқаро тоғлар классификациясида Ўзбекистон мамлакатнинг 20 % ортиқ ҳудудини тоғлар эгаллайдиган тоғли давлатлар гуруҳига киритилган. Ўзбекистонда 10 та вилоят таркибидаги 72 та туман (мамлакат қишлоқ туманларининг 45 %) ҳудудларида тоғлар мавжуд бўлиб, уларнинг 16 таси (10 %) тоғ, 56 таси (39 %) текислик –тоғ туманларидир.

Бироқ, мамлакатимиз аҳолиси томонидан Ўзбекистон тоғ мамлакати сифатида қабул қилинмайди. Шуниси диққатга сазоворки, умумдавлат даражасида ҳам “тоғ хусусияти”ни тушуниш мавжуд эмас. Табиат, аҳоли ва хўжаликнинг баландлик зоналиги, “тоғлилиги”, тоғ минтақалари ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ўзига хослигини амалиётда ҳисобга олмаслик ва уларни суғориладиган текислик водий ва воҳаларига “тенглаштириш” давом этмоқда. Ҳозирги кунда давлат тузилмасида тоғ минтақалари ривожланишига масъул бўлган идора мавжуд эмас. Шунингдек, миллий тоғ сиёсати ишлаб чиқилмаган.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. / Халқ сўзи, 2022 йил 1 февраль.
2. Биологик хилма-хиллиқни сақлаш. Миллий стратегия ва ҳаракат режаси. Тошкент, 1998, 133-б.
3. Болотов Б.В. Здоровье человека в нездоровой обществе. – СПб – 2009.
4. Горы мира – глобальный приоритет. Редакторы Б. Мессерли. Дж. Айвз. Прев. с англ. Ред. русского изд. Ю.П.Баденков, В.М. Котляков. М.: издательский дом «Ноосфера», 1999, -С. 450.
5. Джумаев Т. Перспективы устойчивого развития горных районов Узбекистана. Изв. РАН. Сер геогр. 2002, №2, -С.104-106.
6. Жумаев Т.Ж. Бизнесинг улуғвор тоғларимиз. Ўзбекистон тоғ зонасининг барқарор ривожланиши. Назария ва амалиёт. Монография. Тошкент, 2021, 700 б.
7. “Нукус-Фарм”, “Зомин-Фарм”, “Косонсой-Фарм”, “Паркент-Фарм”, “Сирдарё-Фарм”, “Бойсун-Фарм”, “Бўстонлик-Фарм” ва “Паркент-Фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида. Фармон. / Халқ сўзи. 2017 йил 5 май.
8. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). Дарслик. Тошкент.: “Университет”, 2014, 404 б.
9. Курбонов Ш.Б. Кичик ҳудудлар ижтимоий-иктисодий географияси. Монография. Тошкент.: “Мумтоз сўз”, 2013, 160-б.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида тоғ зонасининг барқарор ривожланишида содир бўлаётган ўзгариш ва тенденциялар, давлатнинг тартибга солиши ва қўллаб-қувватлаши масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, мавжуд назарий ва статистик маълумотлар асосида Ўзбекистон тоғли ҳудудлари ижтимоий-иктисодий ривожланиши бўйича йўналишлар, ҳулоса ва тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье основное внимание уделяется изменениям и тенденциям устойчивого развития горной зоны в новый период развития Узбекистана, а также вопросам государственного регулирования и поддержки. Также на основе имеющихся теоретических и статистических данных даны направления, выводы и рекомендации по социально-экономическому развитию горных районов Узбекистана.

SUMMARY. The article focuses on the changes and trends in the sustainable development of the mountain zone in the new period of development of Uzbekistan, as well as issues of state regulation and support. Also, based on the available theoretical and statistical data, directions, conclusions and recommendations for the socio-economic development of the mountainous regions of Uzbekistan are given.

Айни пайтда доимо шуни ҳисобга олиш керакки, тоғлар ва тоғ ландшафтларини мамлакатнинг ноёб экотизимлари сифатида бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Шу билан бир қаторда улар тўри ва беқарор, антропоген таъсирга чидамсиз ва тез ўзгарувчандир.

Иқтисодий жиҳатдан тоғларда тоғ-кон саноатининг устунлиги, қишлоқ хўжалигининг экстенсивлиги, инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланмаганлиги ва бошқалар бўлса, ижтимоий жиҳатдан тоғ аҳолиси ишсизлик ва камбағилликнинг юқори даражаси, тоғларга мослашган анъанавий малакаларнинг йўқолиб бориши билан алоҳида ажралиб туради [9].

Тоғлилиқ бир вақтнинг ўзида текисликларга нисбатан тоғларда яшаш ва фаолият кўрсатиш, тоғларни ўзлаштириш, инфратузилмани барпо этиш, хўжалик юритишга кўп ва катта миқдорда энергия ва капитал сарфлашга сабаб бўлади, яъни инсон ҳаёти ва фаолияти учун алоҳида “тоғ” шароитини яратади. Тоғлилиқ тоғ хусусиятини ҳар томонлама тўла ҳисобга олиш ва тоғ ҳудудларининг алоҳида мақомини ўрнатиш зарурлигини белгилайди. Ривожланиш ва муҳофаза қилишнинг тоғлилиги ва унинг “олтин” қоидалари Т.Ж.Жумаев монографиясида батафсил таърифланган (11, 109-120 б.).

Ўзбекистон тоғ ҳудудларини барқарор ривожланишга ўтказишнинг 10 та олтин қоидалари (Т.Жумаевнинг олтин қоидалари) ишлаб чиқилган ва асослаб берилган [6].

Ҳулоса. Таъкидлаб ўтилган йўналишлар тоғларнинг асосий афзаллик ва устунликларини кўрсатади, улар бозорнинг глобаллашуви, аҳоли ва урбанизациянинг ўсиши, тоғларнинг улкан салоҳияти ва аҳамияти шароитида миллий иқтисодиёт учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлмоқда. Кўплаб тоғ минтақаларининг кам ўзлаштирилганлиги ва иқтисодий ривожланмаганлиги инвесторлар учун қўшимча жозибадорлик, қиймат ва устунлик, миллий иқтисодиёт учун афзаллик бағишлайди. Шу муносабат билан тоғ ва текислик ҳудудлари ўртасида тоғларнинг ноёблиги, баландлик зоналиги, “тоғлилиги”, фарқлари ва ўзига хослигини эътироф этишга олиб келадиган янги муносабатларни ўрнатиш лозим.